



### ЎзХДП: устувор вазибалар

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаол бўлиши лозим.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб минтақавий семинар ўтказилди.

Семинар ноодатий тарзда ташкил этилиб, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган, мунозаралар бўлди, таклиф-тавсиялар билдирилди.

Президентимизнинг Конституция байрамидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаларида кўтарилган масалалар, сиёсий партиялар фаолияти ҳақида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзХДПнинг ўрни ва иштирокини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



## ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ

Зиммамизга катта масъулият юклайди, муаммолар ечими бўйича амалий ишларни янада кучайтиришни талаб этади

Давоми 2-бетда.

### ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

## Кўчма жамоатчилик қабулхоналари

одамлар ва партияни ўзаро боғловчи кўприк вазифасини бажармоқда

Хар бир сиёсий партия ўз электорати вакиллари манфаатини самарали ҳимоя этиши учун, аввало, уларни ташвишга солаётган масалаларни чуқур билиши керак. Сиёсий партиянинг электорат билан алоқалари, унинг муаммоларини ўрганиш йўллари турлича бўлиши мумкин. Бу борда ЎзХДП ўзига хос тажрибага эга. 2005 йилда ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси Хайъатининг қарори билан вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган эди. Утган давр мобайнида улар орқали электоратни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича катта тажриба тўплади.

Хар бир мурожаат ортида кимнингдир ёки кўпчиликнинг муаммоси ётади. Баъзида эса одамлар эътиборсиз ва расмиётчиликка дуч келиб, бизнинг Жамоатчилик қабулхоналаримизга мурожаат қилади. Демак, тушаётган ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак. Жамоатчилик қабулхоналаримиз асосан вилоят, туман марказларида жойлашган. Шу сабабли электорат вакиллари қарори билан вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаётган. Жафтаннинг ҳар жума кунини маҳаллий партия кенгашлари режалар тартибда маҳаллалар, қишлоқларда кўчма қабулхона ташкил этишмоқда.

Давоми 2-бетда.

Маълумки, ҳеч ким қабулхонага сабабсиз келмайди.

## Сарҳисоб ва режалар

Самарқандда 2013 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазибалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими З.Мирзаев бошқарган йиғилиш сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилиб, муҳокама жараёнлари билан маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, коллежалар директорлари кузатиб бориш ва ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлди.

Йиғилишда ўтган йил вилоятда амалга оширилган ислохотлар натижалари таҳлил қилиниб, асосий эътибор Президентимизнинг жорий йил 17 январь кунини бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазибалари ижросини таъминлашга қаратилди.

Таъкидландики, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ички ислохотлар самараси вилоят иқтисодиётида ҳам ўз ифодасини топомқда. Хусусан, 2013 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш даражаси 110,4 фоизга етди. Қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 18,6, чакана савдо айланмаси 16,6, жами хизматлар 24,1 ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 18,3 фоиз ўсди.

Тармоқ ва корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадлари учун ўзлаштирилган 940 миллиард сўмлик инвестициялар саноатни 13,6 фоизга ўстириш имконини берди. Натижада аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 622 минг сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 112 минг сўмга ошди.

Вилоятдаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 127 миллион долларни ташкил этди. Бу борада 34,6 фоиз ўсишга эришилди.

Утган йили вилоятда 1786 кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларга 535 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бундай чора-тадбирлар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 77,1 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда эришилган ижобий натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мажкур соҳани янада кенг ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

### Муносабат

## БОЛАЛАР СПОРТИ

Бу — энг ноёб тарбиячи ва шифокор, фарзандларимизни турли иллатлардан ҳимоя этувчи мустаҳкам кўрғон, куч-қудрат манбаи

Бугун болалар спортини ривожлантириш учун олиб борилаётган ишлар замирида соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, миллат саломатлигини мустаҳкамлашдек улғу мақсад ётгани кўпчилигига яхши маълум. Бу жамғарма жуда чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ташкил этилганига ҳам бугун барчамиз иқдор бўлаёмиз. Жамғарма шарофати билан амалга оширилган улкан ишларни кўриб гурурланаямиз.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида жуда муҳим маълумотлар келтирилди. Утган йили 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқин ўтмишда бир йилда шунча спорт, санъат мактаплари барпо этилиши тушимизга ҳам кирмасди. Буларнинг 132 таси қишлоқ жойларида қурилганини айтмайсизми? Қачон бундай ишлар бўлган? Қайсидир бир туманда йиллар давомида битта спорт ёки санъат биноси қурилгудек бўлса, катта воқеа ҳисобланарди.



Бугун ўзбек болалари халқаро мусобақаларда эришаётган галабаларга қараб яна ўйлайсан киши: мустақилликдан олдин бунини ҳатто орзу қилиш ҳам ҳаёлимизга келмаган. Ўзбек боласи нуфузли мусобақаларга муносиб кўрилмаган. Агар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилмаганда бунча спорт иншоотлари қардан қуриларди, болаларимизнинг бунча галабаларини кўриш насиб этармиди?..

Булар масаланинг бир томони, спортнинг фарзандларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси эса энг муҳим ютуғимиздир. Айрим рақамларга эътибор берайлик, 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизга етганди. 2010 йилда бу кўрсаткич 62,6 фоизни ташкил этган. Маълумотларга қараганда, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич 70-72 фоиз атрофида. Бу рақамлар аҳамиятига ҳолис баҳо бериб, хулоса чиқариш учун 1990 йиллар бошида оналар ва болалар, умуман, халқимиз саломатлиги кай аҳволда бўлганига эътибор қаратиш керак бўлади. Уша пайларда оналар ва болалар ўлими мутлақо сир сакланганининг ўзи аҳвол даҳшатли даражада бўлганини кўрсатади.

Давоми 3-бетда.

### Бугуннинг гапи

## Февраль ойи об-ҳавоси қандай бўлади?

Февраль ойининг биринчи ўн кунлигида ҳудудимизда совуқ об-ҳаво бўлиши кузатилади. Ҳаво ҳароратининг қиймати кўп йиллик ўртача метёрдан 10-15 даражага паст бўлиши кутилмоқда. Совуқ об-ҳаво шароити мамлакатимизга Россиянинг Европа қисмидан мўътадил ва арктик ҳаво массаларига тўйинган совуқ антициклон кириб келиши билан боғлиқ.



4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Партия фаоллари ва депутатлар

электорат орасига янада чуқурроқ кириб бормоқда



www.uzbekistonovozi.uz

### Нуқтаи назар

— Демократик ислохотларнинг бугунги босқичи сиёсий партиялар фаолиятини ҳар қачонидан кучайтиришни талаб этмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишда партия фаоллари, депутатлар зиммасидаги вазибалар аҳамиятини ҳар биримиз чуқур тушуниб этишимиз керак.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни кўп жиҳатдан унинг етакчилари салоҳиятига боғлиқ. Дастурий мақсадларни амалга оширишда ҳам улар ҳал қилувчи ўрнига эга. Шу боис сафимизда билимли ва қатъиятли етакчиларнинг кўпайишига эришимиз зарур.

Энг аввало, қуйи партия ташкилотлари етакчиларида дадилликни шакллантириш керак, деб ўйлайман. Шунда улар ўз ҳудудидаги воқеа-ҳодисаларга сичқовлик билан қарайди, камчиликларни таҳлил этиб, ҳал қилиш бўйича таклифларини дадиллик билан илгари сура олади.

Толиб АВЕЗОВ, ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси:



Бир мисол. Бугун туманимизда ЎзХДПнинг 58 та бошланғич ташкилоти бор. Уларда уч мингга яқин аъзо бирлашган. Туман тиббиёт бирлашмаси, «Шанба» маҳалласида ташкил этилган қуйи бўғинларимиз етакчилари фаолиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, партия аъзолари билан ишлаш, улар орасидан сиёсий-ҳуқуқий билимдон ёшларни партия ишига кенгроқ жалб этиш бўйича эътиборга молик ишлар олиб борилди. Бу эса фаол етакчилар сафи орттишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда яна бир фикр. Бирор жойда аҳолини қандайдир муаммо ўйлантириратми. Партия кенгаши ҳамда депутатларимиз бу ҳақда дастлаб ўша ҳудуддаги қуйи бўғин етакчисининг фикри билан қизиқиши муҳим аҳамиятга эга. Шунда етакчиларимизнинг ўзи яшаётган ва ишлаётган жойдаги вазиятдан ҳабардорлиги ошади, юзга келган масаланинг ечими бўйича амалий таклиф беришга иштироки янада кучаяди, деб ҳисоблайман.

### КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Қашқадарё вилоятида партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятини кучайтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.



Муносабат

# БОЛАЛАР СПОРТИ

Бу — энг ноёб тарбиячи ва шифокор, фарзандларимизни турли иллатлардан ҳимоя этувчи мустаҳкам қўрғон, куч-қудрат манбаи

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonа-сида» китобида шундай ёзди: «Миллатнинг зурриёид фондини, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг қўламадаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачон вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазиёаси даражасига кўтарилди».

Бу ташвишли гаплар 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида айтилган эди. Ўша замонда қайси туманда қанча трактор, қанча пахта экиладиган майдон борлиги, қанча тонна пахта олинаётганини ҳамма раҳбарлар айтиш биларди. Афсуски, Ўзбекистонда оналар ва болалар ўлими соёиқ иттифокда энг юқори кўрсаткичга чиқиб кетгани ҳеч кимни ташвишлантормасди. Республикаимизда дармонсиз оналар, касалланд болалар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Юртга раҳбар келгач, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, мустаҳкамлаш бош масалалардан бири сифатида кун тартибига кўйилди. Чунки мустақиллик тақдири, келажаги миллат саломатлигига боғлиқ эди. Соғлом одам, соғлом халқ катта ниятлар билан яшаши, носоғлом киши, носоғлом миллат ўз ташвишига ўралашиб қолиши тақдор ва тақдор таъкидланди. Айни чоғда амалий ишларга дадил киришилди. Дастлаб «Соғлом авлод» жамғармаси ташкил этилди. Миллионлар ўйини ҳисобланган футболни ривожлантириш, янада оммалаштириш орқали болалар ва ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эътибор қаратилди. Жойларда янги футбол мактаблари, майдонлари, стадионлар барпо этилди. Футбол мактаблари ва клубла-



Ўза олган сурат.

рига катта имтиёзлар берилди. Сўнгра болалар ва ёшларни босқичма-босқич камраб оладиган «Умид ниҳоллари» — «Баркамол авлод» — Универсиада спорт ўйинлари ташкил этилди. Бу савий-ҳаракатларнинг барчасини моддий жиҳатдан қўлайдиган тизим — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида бу жамғарма ўзини тўла оқлади ва тўғри йўл тутилгани исботланди. Бугун Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Хоразм, Қорақалпоғистон дейсизми, қаерга борманг, бири-биридан гўзал, замонавий спорт иншоотларини кўрасиз.

Болалар спортини ривожлантириш йўлида кўп меҳнат қилинди, турли хил муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келди. Аммо энг оғир, мураккаб ишлардан бири катта-кичик раҳбарлар он-гидида спортга муносабатни ўзгартириш бўлгани ҳақиқат. Спортга шунчалик ўйин, бекорчиликда шуғулланиладиган машғулот, деб қаровчи раҳбарларни кўзатиш, ҳаракатга кел-

**«Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай қиройли қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин»**

тиришда Президентимизнинг спорт ҳақида билдирган фикрлари, спортга шахсий муносабати, спортчи ва мураббийларга маънавий-моддий жиҳатдан кўрсатган ғамхўрликлари муҳим аҳамият касб этди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг кечаги йиғилиши-

да айтилган гаплар ҳар бир ота-онани, катта-кичик раҳбарларни ўйлашга, тегишли хулосалар чиқариб олишга даъват этмоқда.

Биз, аввало, ўзимизга бир саволни бермоғимиз керак: Президент беҳисоб вазиёалардан ортиб, вақт тоғиб, бу масалага нега бунчалик жиддий эътибор қаратмоқда, нега вазирлар ва ҳокимларни болалар спортини ривожлантиришга бевосита масъул қилиб тайинлади? Бу нимани аниқлади?

Спорт болани нафақат жисмонан чиниктиради, балки курашга, мақсад сари интилишга ўргатади, иродасини тоғлайди, оғир вазиятлардан сабот билан чиқишга, ўз шаъни, Ватан шаънини ҳимоя қилишга ўргатади.

Давлатимиз раҳбари спортнинг бундай хусусиятлари тўғрисида кўп фикрларни билдирган. Болалар спортга бағишланган навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз яна бир фикрнинг илгари сурди: — **Оила қачон бахтли бўлади? Аёл қачон бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлса! Фарзандлари соғ-саломат**

бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак.

Бу нима дегани? Спорт болани ёмон йўллардан, фалокатлардан, бахтсизликдан, ота-онани эса алам-изтиробдан, ғам-ташвишдан араб қолади, дегани. Бунинг баҳосини ўлчаб бўладими?..

Шу ўринда яна бир фикр ҳаёлга келади. Президент мамлакатимиз болалари соғлиги, бахти, келажагини ўйлаб шунчалик жон куйдираётган бир пайтда ота-оналардан нима талаб этилади?.. Бу саволга ҳар қим ўзи жавоб топиши керак. Ҳаёт синовидан ўтган бир аччиқ ҳақиқат бор. Бугун фарзандини етаклаб спорт майдонларига олиб боришга эринаётган, лоқайд қараётган ота-она эртага дорихонага, шифохонага юғурадиган бўлади. Бугун фарзандига вақт ажрата олмаётган ота-онанинг кексалиги ташвиш билан ўтади...

Давлатимиз раҳбари нутқида болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди, бу ишлар изчил давом эттирилади, 2014 йилда яна 115 спорт объекти қурилиши таъкидланди. Булар ҳаммаси, аввало, болаларимиз бахти, келажагини ўйлаб қилинмоқда, албатта.

Йиғилишда айтилган яна бир гап кишини ҳаяжонга солади. **«Болаларимиз учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб кўримизни бағишлаб қуришимиз керак».** «Қалб кўримизни» деган бу икки сўз замирида бир дунё меҳр муҳасса эмасми?

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишларга қараб туриб кўнгилда шундай бир ёруғ ишонч туғилади: **Вақти келади, бугунги меҳнат, сарф-ҳарajatлар ўзининг ширин меҳвасини беради. Ўзбек халқи дунёда энг соғлом, энг узок умр кўрадиган халқ бўлади. Юртимиздаги соғлом турмуш тарзига болаларнинг ҳаваси қўшилди. Ўзбек спортчиларининг донги оламни тутди...**

**Ушанда бу ютуқлар, ғалабалар омиллари билан кимларди қизикади, кимларди тадқиқотлар ўтказди. Улар ўз саволларига жавобини бугунги кунлардан, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлардан топади. Шундай бўлади...**

Сафар Остонов



## Қаҳратон қиш



### ташвишлари

Бу йилги қиш америкаликларни яна синовдан ўтказмоқда. Кучли қор буронлари юз бериши ва ўта совуқ ҳавонинг бир неча кунлаб ҳукмронлик қилиши автобил йўлларида катта қийинчиликларни юзага келтирди. Уни бартараф этиш мақсадида эса йўлларга яна туз сепилди.

Маълумки, туз йўллардаги қор ва музларнинг эришини тезлатади. Бу эса транспорт ҳаракатини изга солиш учун аниқ мудоаодир. Шу боис ҳам АҚШда бир йилда 22 миллион тоннадан ортиқ туз фақат йўлларга сепиларкан. Бу киши бошига ҳисоблаганда, 70 килога тўғри келади.

Бирок шунча туз йўлларда эригач, қаёққа кетади? Мутахассисларнинг таъкидлашича, дейлади «ИносМИ» сайтидаги хабарда, эриган тузлар парчаланиб, натрий ва хлор ионларини ҳосил қилади. Улар эса ерга сингиб, ер ости сувларига қўшилади.

Шунингдек, йўлларга сепилган туз автобиллар коррозиясига ҳам сабаб бўлади. Шу боис ҳам Канада ҳукумати 2004 йилдаёқ тузнинг токсик элементлар таркибига киритди ва уни ишлатишнинг янгица қоғдаларини жорий этди. Бир гуруҳ олимлар Нью-

Йорк штатининг чекка қишлоғидаги Мохок дарёси сувининг шўрланиши даражасини 1952 йилдан 1998 йилгача кузатишган. Маълум бўлишича, дарё сувидаги натрий ва хлор ионлари концентрацияси 130 ва 243 фоизга ошган. Бу айнан дарё атрофидаги йўлларга сепилган тузлар оқибати эканлиги ҳам илмий исботланди. Худди шундай кузатув-тадқиқот Нью-Йорк штатининг жануби-шарқий қисмидаги дарёлардан бирида 1986 йилдан 2005 йилгача ўтказилди. Бу тажриба ҳам дарё сувидаги хлорид натрий бирикмаси 91 фоизга тенг эканлигини тасдиқлади.

Хлор натрийга қараганда тупроққа тез сингиб ва шунинг учун ҳам унинг салбий оқибатлари тезроқ намоён бўлади. АҚШ ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёларнинг 40 фоизда хлор аралашмаси меъёрий даражадан ортиб кетган.

Буни айрим муниципал ҳудудлар маъмуриятлари англаб, туздан фойдаланишни камайитириш чораларини кўра бошлади. Яъни, тузни қор ёққандан кейин эмас, балки ёғишдан сал аввал йўлларга сепиш амалиётини қўламоқда. Бу ўз навбатида қорнинг асфальтга ёпиши ва музга айланиши даражасини пасайтиради ва тезроқ эришини юзага келтиради. Бундай усул тузнинг кам миқдорда сарфланишига олиб келади. Айрим муниципал маъмуриятлар эса туз ва қандавлагича шарбати ёки шакарқамиш шинини аралашмасидан фойдаланмоқда. Бу усул ҳам атроф муҳитга хлор аралашмаси тасирини камайитиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

### Ижтимоий ҳимоя



## Наманган шаҳрида

меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди

Унда 88 корхона ва ташкилот 905 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Наманган шаҳар ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга аҳолининг вақтинча ишсиз қатламлари, жазони ўташ жойларидан озод этилган шахслар, одам савдосидан жабр кўрганлар, коллеж битирувчилари жалб этилди.

«Тоза ичимлик суви» шўъба корхонаси, Наманган транспорт ва ахборот технологиялари коллежи, «Наманганмаш» акциядорлик жамияти томонидан таклиф этилган бўш иш ўринлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Натижада 138 киши, жумладан, 17 нафар коллеж битирувчисига ишга йўланма берилди.

— Шаҳар ободонлаштириш бошқармасига ишга қабул қилинганидан хурсандман, — дейди амнистия туфайли озод этилган Раҳимжон Абдурахмонов. — Энди ҳалол меҳнат қилиб, билдирилган ишонччи оқлайман.

Ўз мухбиримиз.

### Эълон

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 11, 13, 18, 20 март кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг куйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушининг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«SOG' DIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй.	ПВХ ва полиэтилендан фитинглар тайёрлаш, пластмассадан буюмлар, полимерлардан қадқоқлаш буюмлари ишлаб чиқариш, иккиламчи хомашёлари йиғиш ва қайта ишлаш	3 168 645 000,0	1 553 561,97
2	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй.	Саноат ва халқ истеъмол қурилиш хомашёлари ва қурилиш-пардоз буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш	5 820 000 000,0	2 853 500,69
3	«ASIA SOKATO» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй.	Минерал сув ва газланган ичимликлар ишлаб чиқариш	1 472 800 000,0	722 102,37
4	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй.	Кенг турдаги музқаймоқ (эскимо) маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 076 709 000,0	527 902,04

### Оммавий оферта шартлари:

Оммавий оферта қоғози улушнинг сотилиши баҳосининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблагини савдо ўтказилган сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўйиматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўйиматининг қолдиқ қисмига «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объектлар фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шартли билан сотилади.

Ҳўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), Оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча хара-

жатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган сўммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳўжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида маъжур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтаилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган улуш бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридида зақалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтоқур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўлаши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, қўриқари кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).**

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа восталари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40; электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru. Гувоҳнома № 005357

## Юртимиз табиатини билишда

ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг аҳамияти

«Ижтимоийлашув» атамаси ўзининг фалсафий талқинига кўра, шахс томонидан муайян маданият типига хос бўлган фаолият ва хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш, қадриятларни англаш жараёнидир. Бу жараён ҳуқуқий ҳаёт соҳасида рўй берган тақдирда ҳуқуқий ижтимоийлашув юз беради.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув — шахс (индивидуал)нинг ҳуқуқий тизимга, ҳуқуқий муҳитга фаол жалб этилиши бўлиб, ҳуқуқий қадриятлар, принциплар ҳамда қоидаларни теран англаш жараёнидир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг салмоқли қисмининг экологик-ҳуқуқий ижтимоийлашув ташкил қилади. Яъни, ҳар бир шахс табиат учун жавобгар ёки масъул эканлигини қалбдан англаши лозимдир.

Экологик-ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнига куч берувчи асосий омиллардан бири — бу ёш авлодининг экологик ҳуқуқий саводхонлиги ва экологик қадриятларни чуқур билиши билан чамбарчас боғлиқдир. Фу-

қароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига ҳамият ҳуқуқий мафкурасининг таъсири ва аҳамияти бениҳоя катта. Мақсади ва демократик тараққиёт йўналиши аниқ белгиланган ҳамиятда субъектларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув фаол амалга ошди. Мафкуравий тарбиявий жараёнлар инсоннинг ички руҳий ҳолатига, маънавий дунёсига, манфаат ва интилишларига самарали таъсир этган ҳолдагина унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига эришилади.

Юқорида келтирилган таърифларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, экологик тарбиянинг шаклланишида, аввало, оила ва таълим муассасаси муҳим ўрин тутишини кўрамиз. Хусусан, экологик билим ва экологик-ҳуқуқий онгининг шаклланишида умумтаълим мактабларининг ўз ўрни бор.

Ёшлар экомандияти юксалишида улар табиат муҳофазаси билан боғлиқ қонунларни ўрганиши, бу борада ўз билимининг ошириши муҳим аҳамиятга эга.

Асосийси, ёшлар табиатини англаши, севиши лозим. Экомандият юрт маданиятини билишдан, уни қадрлашдан бошланади.

Умиджон КАРИМОВ, Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти ўқитувчиси, майор.

# Сочи: XXII ҚИШКИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИ

Очилишига уч кун қолди



Ер кurrasининг ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мазкур нуфузли мусобақасида дунёнинг саксон беш давлатидан олти минг нафардан зиёд спортчи голиблик учун кураш олиб боради. XXII қишки Олимпиада ўйинларида спортнинг етти тури бўйича 98 комплект медаллар учун баҳслар уюштирилади.

Унда юртимиз шарафини эркаклар ўртасида яқка тартибда муз устида нафис учиш бўйича Миша Ге химоя қилади. Шунингдек, тоғ чангиси баҳсларида Артём Воронов ҳамда Ксения Григорьевалар майдонга тушади. Чангичиларимиз икки (слалом ва гигант слалом) йўналишлари бўйича ўз омадларини синаб кўришади.

Спортчиларимиздан Ксения Григорьева бир мунча тажрибали саналади. Йигирма етти ёшли чангичимиз бундан тўрт йил муқаддам Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтган қишки Олимпиада ўйинларида ўз дебютини ўтказган эди.

Муз устида нафис учиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси Миша Ге 2013 йили Канадада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучлилар қаторидан жой олиб, Сочи олимпиадасига йўланмани қўлга киритган.

Маълумот ўрнида шунини алоҳида таъкидлаш керакки, XXII қишки Олимпиада ўйинлари 7 — 23 февраль кунлари бўлиб ўтади. Сочи олимпиадаси мусобақалар сони ва янги спорт турларини ўз ичига олиши бўйича рекорд натижани қайд этди. Гарчи, баҳслар умумий еттига спорт тури бўйича ўтказилса-да, жами 19 та йўналишда голиб ва совриндорлар номи аниқланади. Баҳсларни ойнаи жаҳон орқали 3 миллиардга яқин томошабин тўридан-тўғри кузатиб бориши кутилмоқда.

Россиянинг «Адамас» заводида ясалган медаллар ҳажми жиҳатидан бутун қишки Олимпиада ўйинлари тарихидаги энг йириги ҳисобланади. Уларнинг диаметри 10, қалинлиги эса 1 сантиметрни ташкил этади. Учунчи ўрин соҳиби 460 грамм бронза, иккинчи ўринни эгаллаган спортчи 525 грамм кумуш ҳамда чемпион 531 граммлик олтин медал билан тақдирланади. Совринларни тайёрлаш учун 3 килограмм олтин, 2 тонна кумуш ва 700 кг бронза ишлатилган. Ташкилотчиларнинг билдиришича, олтин медалнинг қиймати 6000 АҚШ доллари ташкил этади. 2010 йили Ванкуверда ўтган олимпиада бош медалининг қиймати 500 АҚШ доллари дея баҳоланган.

Қишки Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган кунларда Сочида ўртача ҳарорат +8,3° даражани ташкил этиши кутилмоқда. Бунгача мусобақалар ўтказилган бирорта шаҳарда бу каби илиқ об-ҳаво кузатилмаган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон спорт делегацияси мусобақада иштирок этиш учун кеча Сочиға жўнаб кетди. Анъанага кўра, «Олимпиада шаҳарчаси»да Давлатимиз байрогининг кўтарилишига бағишланган тантанали тадбир 5 февраль кун маҳаллий вақт билан соат 16:00 да бўлиб ўтади.

**Самандор БОБОРАЖАБОВ, ЎЗДЖУ таъабоси.**

Суратда: халқаро тоифадаги спорт устаси Миша Ге.

## Бугуннинг гапи Ойлик ҳаво ҳароратининг умумий қиймати меъёрдан 2-4 даражага паст бўлади.



УшА олган сурат.

Боғлиқ, Ҳарорат ақсарият вилоятларда биринчи ўн кунликда кечалари 10-15, 3-5 февраль кунлари эса 15-20, кундузлари 5-10 даража совуқни ташкил этади. 1-5 февраль кунлари юртимизнинг шимолий қисмида ҳарорат кечаси 23-28, Устюртда эса 33, кундузги ҳарорат эса 15-20 даража совуқкача пасайиши мумкин. 6-10 февраль кунларида республикамизнинг шимолий ҳудудда совуқ ҳаво бироз чекинади. Ҳарорат кечалари 15-20, кундузлари эса 8-13 даража совуқни ташкил этади.

Февраль ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликларида ҳаво ҳарорати кечалари 7-2 даража совуқдан 3 даража илиқкача, кундуз кунлари эса 2-7 даража совуқдан 8-13 даража илиқкача ўзгариб туради. Шимолда ҳаво ҳаро-

## Февраль ойи об-ҳавоси қандай бўлади?

Бу йилги қиш совуқ ва қорли кунлар билан бошланган. Аммо, январь ойи сўнги ҳафта-сида республикамизда об-ҳаво кескин ўзгариб турганлигининг гувоҳи бўлди. Муттасил ёмғир ёғди, кундузи ҳарорат жойларда 13-15, жанубий вилоятларда эса 20-23 даражани ташкил қилди. Айрим жануб туманларида бодом гуллади. Ойнинг охири кунлари, яъни 30-31 январда республикамизда нам ва совуқ об-ҳаво ҳужмрон бўлди. Қиш чилласидаги бундай турли-туманлик сабалари ва кейинги об-ҳаво қандай бўлиши кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Гидрометеорология хизмати марказининг етакчи синоптик-муҳандиси Гавҳар МАМАЖОНОВАга мурожаат қилди.

— Одатда ҳудудимизда йилнинг энг совуқ даври январь ойининг сўнги кунлари ва февраль ойининг бошларида тўғри келиши кўп йиллик кузатиш натижалари тасдиқлайди. Февраль ойининг биринчи ўн кунлигида худудимизда совуқ об-ҳаво бўлиши кузатилади. Ҳаво ҳароратининг қиймати кўп йиллик ўртача меъёрдан 10-15 даражага паст бўлиши кутилмоқда. Совуқ об-ҳаво шароити мамлакатимизга Россиянинг Европа қисмидан мўтадил ва арктик ҳаво массаларига тўйинган совуқ антициклон кириб келиши билан

рати кечалари 12-17 даража совуқдан 0-5 даража совуқкача, кундуз кунлари 0-5 даража совуқдан 5-10 даража илиқ бўлиши тахмин қилинмоқда.

Ойлик ҳаво ҳароратининг умумий қиймати меъёрдан 2-4 даражага паст бўлади. Ёғингарчилик микдори эса меъёр атрофида, баъзи жойларда меъёрдан кам бўлиши эҳтимоли бор. Ой давомида вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши кузатилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

### Баркамол авлод орзуси

## Тил билган эл билади, йўл билади...

Ҳар бир ота-она фарзандининг чет тилларидан бирини ёки бир нечасини ўрганишини истайди. Зеро, тил билган эл билади, йўл билади деган ҳикмат бекорга айтилмаган.

дарсликлар, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар учун услубий қўлланмалар нашр этилиб, умумтаълим мактабларига тарқатилди. Шаҳар ва туманларда чет тилини ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар, хусусан, махсус ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди.

Нукус шаҳридаги 9-сон мактабда таълим жараёни асосан 3 тилда, яъни қорақалпоқ, қозоқ ва рус тилларида олиб борилади. Жорий йилда 158 нафар ўғил-қиз 1-синфга қабул қилинган, уларга малакали ўқитувчилар томонидан инглиз тили сабоқлари берилмоқда.

Мўғалии туманидаги 60-сон умумтаълим мактабда 2-3-4-синф ўқувчилари учун кўшимча чет тили тўғрисидаги таълим ташкил этилган. Шунингдек, 2013-2014-ўқув йилидан бошлаб 5-9-синф ўқувчилари учун чет тилини ўрганиш соатлари кўпайтирилиб, дарсдан ташқари тўғрақлар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

**Мнажатдин КҮТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Президентимизнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими тизимида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

1-синф ўқувчилари учун 55 номда 29 659 дона инглиз, немис ва француз тилларидаги

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 11, 13, 18, 20 март кунлари ўтказиладиган очик танлов савдоларига тақлиф этади

Очик танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

№	Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1	«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Хўкमत кўчаси, 15-уй.	Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш	59 154 993 600,0	29 003 232,79
2	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй.	Макарон ва макарон маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари ва бошқа турдаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	4 461 829 000,0	2 301 572,78

### Очик танлов шартлари:

Очик танлов голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилган сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютада қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хоржий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллибанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳўжатларни расмийлаштириш зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик танлов савдолари ташкилотчисиға тўланадиган комиссия сомуллар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарт билан сотилади.

### Очик танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- jisмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳўжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор тақлифлари:
- сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.
- Тақдим этилган ҳўжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
- Талабгорлардан биортоманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнлариде мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхталади.
- Очик танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ улуши бош-

ланғич нархининг 2 фоизи миқдоридеги ҳамда «ASAKA MAK» МЧЖ улуши бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридеги закат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланиши шарт.

Банк улушлари сотилаётган ушбу корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очик танлов савдоларига тақдим этилган тақлифлари ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: **Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона** (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**  
Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 101-уй.  
Телефон: 234-11-22, 234-15-60;  
Телефакс: 234-43-31.  
Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.  
Телефон: 233-02-49;  
Телефакс: 233-23-40.  
Электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru  
Гўвҳнома № 005357

### Эълон

ОБ-ҲАВО	04-05 — 02. 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
-15 / -20	-8 / -13
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
-15 / -20	-5 / -10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
-15 / -20	-5 / -10
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
-13 / -18	-5 / -10
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
-13 / -18	-5 / -10
Тошкент шаҳри	
-16 / -18	-8 / -10
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+7 / +8
Париж	+10 / +11
Москва	+3 / +2
Мадрид	+9 / +13
Пекин	0 / +5
Канберра	+28 / +26
Рим	+14 / +13
Афина	+12 / +12
Токио	+5 / +5
Стокгольм	+3 / +2

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Ер тўзи ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан 1997 йилда Чилонзор тумани, Гулистон маъзеси, 27-уй, 2-хондан ағаси Қасимов Норҳўжа Раҳимович номига берилган уй плани ҳўжжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996 йилда Каримов Дилфаруз Дилмуратовна номига берилган УЗ А007006 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**MUASSIS:**  
XDP  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir - birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**BO'LIMLARI:**  
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'htibat — 233-72-83.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aktyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxonada manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

**e-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**Г — 260**  
22076  
nuxxada bosildi.

**Nashr ko'rsatkichi — 220**  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshirilgan vaqti — 01.45

**Sotuvda erkin narxda**

Navbatchi:  
**Ravshan SHODIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Sobirjon TUNG'ATOV,**  
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5